



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

24 **ЎЗБЕКИСТОН**
ОКТАБРЬ 2021 ЙИЛ **САЙЛОВИ**
ПРЕЗИДЕНТИ

ОВОЗ БЕРИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИГИ

“Одамларга воқеалардан хабардор бўлиш имконини берсангиз, мамлакат хавф-хатардан холи бўлади”, деган эди АҚШнинг ўн олтинчи Президенти Авраам Линкольн. Ҳақиқатан ҳам, ушбу гаплар ҳаётда ўз аксини топганидан кейин АҚШ демократиянинг энг юқори чўққисига чиқди. Ҳеч шубҳасиз, бугун бу мамлакат сўз эркинлиги ва очиқлик бўйича бошқа давлатларга намуна бўлиб келяпти, десак муболаға эмас.

23 июль куни Ўзбекистонда Президент сайлови кампаниясига расман старт берилди. Бу кун, шубҳасиз, муқтадир Ўзбекистон, умуман, юртимиздаги сайловлар тарихида унутилмас жараён ва воқеа бўлиб муҳрланади.

Сайлов кодексининг 3-моддасида “Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг,

тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади”, деб қисқа ва лунда ёзилган. Сайловда яширин бўлиши керак бўлган нарса битта: сайловчи яширин овоз бериши. Қолган ҳамма жараён очик ва ошкора ўтказилади.

▶ Давоми 3-бетда



▶ **МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.**

ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИАТ ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎЙИЛГАН ТАМАЛ ТОШИДИР

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шароит яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, йигит-қизларнинг интилиши ва иқтидорини рўбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда ташкил этилаётган янги давлат ва нодавлат мактабга таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири, нуфузли



хорижий университетлар филиаллари, замонавий ИТ-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мулақо янги намунадаги таълим масканлари — Президент мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, ижод мактаблари

бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етуқ кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилади.

▶ Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ИҚТИСОДИЁТГА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҚУВВАТ БАХШ ЭТИБ...

Иқтисодиёт кўрсаткичлари аниқ рақамлар, ҳисоб-китоблар билан бирга одамлар турмуш тарзидаги реал ўзгаришлар, натижадорликда ҳам ўз аксини топади. Янги Ўзбекистонда туб ислоҳот ва янгиланишлар аввалида иқтисодиётимиздаги миқдор ва сифат ўзгаришлари қамровини кенгайтириш, унинг бевосита аҳоли турмушига таъсирини оширишга эътибор қаратилаётгани боиси ҳам шундан.

▶ Давоми 4-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университети хорижда таълим олган истеъдодли ўқитувчиларни жалб этмоқда

Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси Фарғона шаҳрида очилган Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университети учун ўқитувчилик лавозимларига номзодлар ўртасида суҳбат ўтказди.

Профессорлик лавозимига малакали номзодларни танлаш бўйича танлов ҳайъати таркибига ушбу университет ректори Парк Чун Хо, Бизнес уюшмаси директорлар кенгаши раиси Ким Чанг Кеон ва “Чанганг” университети ректори Хан Че Сок киритилди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университети 2019 йил 27 сентябрь куни Фарғона шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган. Дастлабки йили университетда беш мута-

хассислик бўйича 720 нафарга яқин талаба ўқишга қабул қилинган. Ҳозирги кунда 14 та факультетда 2 минга яқин талаба таҳсил олмақда.

Докторлик даражасига эга 20 нафар янги профессор-ўқитувчини ишга қабул қилиш орқали 2022 ўқув йилидан бошлаб 16 та факультетда 3 минга яқин талабанинг таълим олиши таъминланади.

▶ Давоми 2-бетда

ҚОНУНЧИЛИҚДА ЯНГИЛИК

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК

Умумбашарий кадрлар билан бирга виждон эркинлиги инсониятнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутадиган эзгу омиллардан саналади. Шу боис, жамиятда бундай кадрларнинг ҳар томонлама кафолатланиши фаровонлик, тинчлик ва барқарор ривожланишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни айнан жамиятимиз равнақига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонуннинг янги таҳририда Ўзбекистонда ҳуқуқнинг ушбу соҳасида шу пайтгача маълум даражада мавҳум бўлиб келган кўплаб тушунчаларга аниқлик киритилди. Қолаверса, унда виждон эркинлиги меъёрлари аниқ кўрсатилиб, фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи белгиланди.

Қонуннинг асосий жиҳатларидан яна бири — унда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тизими содаллаштирилгани. Хусусан, қонуннинг тегишли моддасида маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини

ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробарга камайрилиб, 50 нафардан кам бўлмаган этиб белгиланди.

Шунингдек, диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб ҳам бекор қилинди. Бу бежиз эмас. Чунки ўз эътиқодида содиқ инсонларни, ўзи танлаган дин амалларига эмин-эркин рияоз қилган ҳолда яшаши учун муносиб шароит яратиш ҳам аслида инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг амалда таъминланганлигини кўрсатади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

НАСРДАГИ ШОИР

ёхуд *руссия* *манзиллари*

Президентимизнинг “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори атоқли адибимизнинг муҳлислари, китобсевар халқимизни беҳад қувонтирди. Бу ўз ижодини жамият равнақига, халқимиз маънавиятини янада ўқсалтиришга, одамларнинг муаммо, қувонч ва дардларини ўз асарларида бадиий талқин қилиб, янги ўзбек адабиёти, хусусан, насри тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкорга эъзоз ва эҳтиром ифодаси бўлди.

▶ Давоми 6-бетда

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси олдидан юқори палата кўмиталарининг йиғилишлари ўтказилмоқда. Хусусан, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида парламент юқори палатасининг ўн еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиши режалаштирилган масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи ярмидаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маққамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, 2021 йилнинг биринчи ярмида Давлат дастурининг 116 та банди ижросини таъминлаш назарда тутилган бўлиб, шундан ҳисобот даврида 89 та бандда қайд этилган топшириқлар бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Ҳуқуқати томонидан коронавирус пандемиясининг республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида 2021 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизни ташкил қилган.

2021 йилнинг 30 июнь ҳолатига 209,2 минг янги иш ўрни яратилди, 78,5 минг нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди, 24 мингдан ортиқ фуқарога субсидиялар ажратилган.

Муҳокамадор давомида Давлат дастуридаги ижроси кечиктириб бажарилган ҳамда тўлиқ бажарилмаган вазифалар танқидий кўриб чиқилди. Мазкур вазифаларга масъул вазирилик ва идоралар вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Мажлисида Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2021 йил 13 июлдаги "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисидаги Сенат қарори, Низом ва рейтинг баҳолаш тартиби лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шу муносабат билан Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисидаги Сенат қарори, Низом ва рейтинг баҳолаш тартиби лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Эндиликда мутлақо янги тизим — ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисидаги Сенат қарори, Низом ва рейтинг баҳолаш тартиби лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Сенат ҳузурида рейтинг баҳолаш бўйича тузилган Республика комиссияси томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилиши махсус индикаторлар асосида баҳоланади.

Мажлисида қонунларнинг ижро этилиши ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳокама этилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

ҚОНУНЧИЛИҚДА ЯНГИЛИК

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)

Бошланиши 1-бетда

Айтиш жоизки, баъзи ҳолларда диний озчиликлар ҳуқуқлари бузилиши, бир қатор демократик конституциявий тамойилларга путур етиши, дунёқарашга асосланган танлов эркинлиги чекланиши, айрим давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва унинг чақириқларига муносиб жавоб бериш имконияти қўлдан бой берилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шу жиҳатдан мазкур қонун билан бундай тузилмаларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тизими соддалаштирилиши, аввало, жамиятда умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш, ҳуқуқ ва давлат ривожини жадаллаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, эндиликда диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электрон шаклда, инсон омилсиз амалга оширилиши белгиланди. Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар

сони кескин қисқарди, уларни кўриб чиқишнинг муддати эса 3 баробарга камайди, яъни 3 ойдан 1 ойга туширилди. Бу билан ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда дин соҳасида олиб борилаётган сиёсат давлатнинг дунёвий хусусияти ва унинг бағрикенглиги тамойилларига асосланади. Барча динларга нисбатан бағрикенг муносабат, давлатнинг дин билан соғлом ва конструктив ҳамкорлиги шулар жумласидан. Бунинг натижасида мамлакатимизда кўпқонфессияли жамият ривожланмоқда, турли динларга эътибор қилувчи фуқаролар тинчлик ва тотувликда истиқомат қилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар диний таълимда ҳам туб ўзгаришлар ясади. Натижада тизимни такомиллаштиришга оид кўплаб масалалар ечим топмоқда. Шу жиҳатдан янги қонунда ҳам диний таълимнинг профессионал мақоми расман эътироф этилди, Ўзбекистон фуқароларининг динга бўлган муносабатидан қатъий назар, дунёвий таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши қайд этилди.

Шу ўринда яқин тарихимизга назар ташласак. XX аср охирида синчков кузатувчилар диннинг дунё миқёсида сиёсат, маданият ва иқтисодий ривожланиш жараёнида ҳам акс этганини ажабланиб қайд этган. Яъни, асосан, маънавият соҳаси, ижтимоий ва оилавий ҳаёт меъёрларида кўпроқ сезилмаган бу омилнинг барча жараёнларга таъсири ошди. Ҳозирда ҳам биз бу тенденциянинг давом этаётганини кўрмоқдамиз.

Бундай шароитда диний таълимнинг аҳамияти орта бошлади. Чунки ҳар бир динда инсонни тарққийта рағбатлантирувчи куч топиш мумкин ва шу жиҳатдан дин аҳқомларини тўғри тарғиб қилиш, уларнинг моҳиятини асл ҳолатда оммага етказишда айнан диний таълимнинг ўрни беқиёс экани аён бўлди. Айрим ғаразғўй қўллар динлардан ниқоб сифатида фойдаланиб, ёт ғоялар воситасида одамларни манипуляция қилишларига йўл қўймаслик ҳам айнан диний таълимнинг профессионал мақоми билан боғлиқ. Демак, диний таълим билан мутахассислар шуғулланиши лозим.

Ҳар кимнинг аҳолини "ўқитиши" дин тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқалишига, одамларда динга хос муҳим масалалар борасида бирёқлама тушунчалар шаклланишига олиб келади. Бунинг оқибатида юртдошларимиз орасида диний масалаларда зиддиятлар пайдо бўлиши, фуқаролар, айниқса, ёшлар ёт ғоя ва қарашлар таъсирига тушиши мумкин. Шу боис, қонунда диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний фаолият сифатида белгиланди. Қолаверса, қонунда, жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилаётган гуруҳларнинг фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмундаги материалларни диншунослик экспертизасининг ижобий ҳулосасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, жамиятлар алоҳида тамаддунлар, яъни цивилизациялар негизда, муайян қадриятлар тизими пойдеворида ташкил топди. Уларнинг барчасида Аллоҳга ишониш, умумий фойда учун ҳаракат қилиш, ота-онани улуғлаш, оилавий ришталарни мустақамлаш каби башарият учун умумий ҳисобланган қадриятлар мавжуд. Шу тарих, динлар маънавият ва ахлоқ меъёрларини белгилайди.

Мазкур қонун давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар такомиллашувига, ижтимоий тараққиётимиз жадаллашувига ва пировардида динлараро тотувликка хизмат қилади. Зеро, инсонга хос ҳалоллик, адолатпарварлик, бошқаларга озор бермаслик, қонунларга итоаткорлик каби энг олий қадриятлар айнан диний манбалардан озуқа олиб, ривожланган. Демак, ушбу пойдевор тўлақонли фуқаролик жамиятининг ривожланиши, ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

ТИББИЁТ

ВАКЦИНА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛАНТИРАДИ

Бугун интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама бўлаётган мавзу коронавирусга қарши эмланиш, вакцина қабул қилиш ёки қилмаслик бўлиб қолди. Албатта, вакцина олиш ёки олмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи. Конституцияимизнинг 19-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.



Дониёр ТОШБОЕВ,
журналист

Аммо барчамиз ўзимизга қадрли бўлган ота-онамиз ёки фарзандларимиз соғлиғи учун бугун вакцина олишимиз шарт. Чунки айни пайтда дунё давлатлари коронавирус билан боғлиқ вазиятни бошқара олмаяпти. Унинг янгидан-янги хавфли штаммлари пайдо бўлмоқда.

Шунинг учун ЖССТ коронавирустан ягона ҳимоя усули — вакцина, деган ҳулосага келди. Турғи, эмланганлар ҳам вирусга чалинмоқда. Аммо касаллик уларда енгил ўтмоқда ҳамда вирус ташувчи ёки юктирувчи бўлмаётган. Шу жиҳати билан вакцина афзалликка эга бўлмоқда. Буни биздан кўра, аввал тушунган айрим ривожланган давлатларнинг тафаккурли аҳолиси эмланиб улғурди.

ЖССТнинг маълум қилишича, бугунги кунда дунё аҳолиси Pfizer/BioNTech, Moderna, AstraZeneca,

Johnson&Johnson, Спутник V, ЭпиВакКорона, КовидВак каби вакциналар билан эмланмоқда. Уларнинг номланиши ва ишлаб чиқарилган мамлакати турлича бўлса-да, вазифаси битта — инсон организмидан коронавирусга қарши иммунитетни шакллантириш.

2021 йил 16 июлгача дунё бўйича 2 миллиард 35 миллион 281 минг 281 киши вакцинанинг муайян бир компонентини қабул қилган. 998 миллион 656 минг 464 киши тўлиқ эмланган. Мазкур кўрсаткич мамлакатимизда атиги 400 минг кишини ташкил этади, холос.

Статистик маълумотларга кўра, Мальтанинг 85 фоиз, Канада ва Сингапурнинг 70 фоиз, Чилининг 69 фоиз, Буюк Британиянинг 68 фоиз, Исроилнинг 66, Германиянинг 59 фоиз, Хитойнинг 43 фоиз аҳолиси эмланган. Марказий Осиё давлатларида эса, бу кўрсаткич 10 фоизга ҳам етмайди.

Айни пайтда аҳолида карантин талаблари кучайтирилмаётгани, вирусга чалинган фуқароларнинг яқинлари карантинга олинмаётгани билан боғлиқ саволлар кўпайиб кетди. Эсингизда бўлса, ўтган йили мамлакатимизда коронавирусга чалинганлар алоҳида изолятсия қилиниб, карантинда сақланди. Беморлар касаллик таълиғига чиқарилиб, ойлик маоши 100 фоиз сақлаб қолинди. Улар махсус поликлиникаларда ковидга қарши бепул даволанди. Бу мамлакат иқтисодиётига катта таъсир кўрсатди. Айрим давлатлар ҳатто локдаун эълон қилди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда коронавирусга чалинган бир беморни даволаш учун қарийб 64 миллион сўм сарфланган.

Тан олиб айтиш керак, ўша пайтда ҳаммамиз коронавирусга қарши вакцина тезроқ яратилиши чин кўнгулдан истаганмиз.

Бугун вирусга қарши курашишда олдимизда икки йўл туриб-

ди: вакцина олиш ёки ўзимизни изолятсия қилиш.

Биринчидан, эмланмаганлар вирусга тез чалинади. Касалликни оғир ўтказиш ҳамда юктирувчан бўлади. Демак, бундай кишилар нафақат жамият, балки оиласи учун ҳам хавфли.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида бугун ўзини ўзи яққалаш қони зиён. Чунки бундай шароитда кўчага чиқмай, бошқалар билан мулоқотда бўлмай, уйда ўтириш зарур. Унда тирикчилик қандай ўтади? Бола-чақани ким боқади? Давлат бюджети эса изолятсиядаги фуқароларни тўлиқ ижтимоий ҳимояга олишга қодир эмас. Энг ёмони, бу ҳолатда ҳам ҳеч ким вирусни юктиришдан муҳофазаланмаган. Одам кундалик ташвишлар билан дўконга чиқари, бозорга боради.

Давлат ўз фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаши керак. Шунинг учун ҳам бугун аҳоли коронавирусга қарши бепул эмланмоқда. Уни қабул қилиш эса, ҳар бир фуқаро учун виждон амрига айланиши лозим. Тан олайлик, фарзандларимизнинг тарбиячиси ёки ўқитувчиси COVID-19га қарши эмланишини талаб қиламиз, аммо ўзимиз вакцина қабул қилмаймиз. Бу ерда қани мантиқ? Ваҳоланки, фарзандимиз боғча ёки мактабда қолмайди. Уйга келиб, биз билан бир дастурхон атрофида ўтиради.

Шундай экан, барчамиз ўзимиз ва ўзгаларнинг соғлиғига жиддий эътибор, масъулият билан қарашимиз, давлатимиз томонидан бепул тақдим этилаётган вакцинани ўз вақтида қабул қилиб, фуқаролик, пировардида инсонийлик бурчимизни бажаришимиз шарт.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Латвия элчиси Ўзбекистондаги миссиясини яқунлаяпти

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Латвия элчиси Михаилс Попковни Ўзбекистондаги дипломатик миссияси тугаётгани муносабати билан қабул қилди.



ТИБ раҳбари элчининг Тошкентдаги дипломатик ваколатхона раҳбари лавозимига ишлаган чоғида Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги сиёсий мулоқотни фаоллаштиришга қўшган шахсий ҳиссасини юқори баҳолади.

Учрашув давомида сиёсий мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Михаилс Попков Латвиянинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида унга доимий ёрдам кўрсатилгани ва самарали ҳамкорлик учун миннатдорлигини изҳор этди.

Эслатиб ўтамиз, Михаилс Попков 2017 йилдан бери Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонасини бошқариб келмоқда. У Бухорода туғилган ва вояга етган.

“Дунё” АА

Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университети хорижда таълим олган истеъдодли ўқитувчиларни жалб этмоқда

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Корея Республикасида магистр ва докторлик даражасини олган ўзбекистонлик кўплаб истеъдодли ўқитувчилар профессор лавозимига тайинланиш учун мурожаат қилиб, халқаро университет ўқитувчиси бўлиш ва ўз Ватанида таълим ривожига ҳисса қўиши, малакали ёш мутахассисларни тарбиялаш истагини билдириган.

Айни пайтда Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университетида энг яхши стипендия соҳибдорини аниқлаш учун мунтазам равишда фан олимпиадалари ва танловлари ўтказиб келинмоқда. 2021 йилда 30 нафарга яқин талаба танлаб олинди ҳамда уларга стипендиялар берилди. 7 та йирик олий ўқув юрти билан ҳамкорлик бўйича имзоланган шартномалар асосида бир неча даража олиш дастури амалга оширилиб, битирувчиларни ишга қабул қилиш ва ишга жойлаштириш учун кўмак берилмоқда. Университет вакилларининг таъкидлашича,

битирувчилар Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги компаниялари ва Корея Республикасининг ўзида (Samsung, LG, Hyundai ва бошқалар), шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари ва давлат идораларига ишга жойлаштириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университетида гуманитар ва техник-муҳандислик мутахассисликлари бўйича таълим берилди. Жумладан, сайёҳлик бошқаруви, мактабгача таълим, бошқарув ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корейс тили ва адабиёти чуқур ўқитилди. Олий таълим муассасасида машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника ва электроника муҳандиси, мейморячилик лойиҳалаштирилиши, компьютер муҳандиси, энергетика ва кимё муҳандиси йўналишлари бўйича ҳам малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

“Дунё” АА

Селул

САЙЛОВ — 2021

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

ОВОЗ БЕРИШ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ВОҚЕЛИГИ



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Халқаро пресс-клуб раиси

Бошланиши 1-бетада

Этибор бераётган бўлсангиз, давлатимизда сайловлар йилдан-йилга очик ва ошкора бўлиб ўтмоқда. Бунга мисол тариқасида 2019 йилги парламент сайловини келтириш мумкин. Ўйлаيمизки, жорий йилги Президент сайлови демократиянинг барча тамойилларига амал қилган ҳолда, бундан-да юқори савияда ташкил этилади.

Янги Ўзбекистонда руй бераётган, фуқароларнинг ҳаёт тарзига таъсир курсата оладиган ҳар бир муҳим жараёни медиаолам вакиллари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситаларининг сайлов давридаги фаолияти жуда муҳим. Сайловдек муҳим сиёсий жараённи ёритишда ва буни фуқароларимиз ҳамда кенг жамоатчиликка етказишда журналистларнинг ўрни беқиёс. Сайлов жараёни очик-ошкора бўлиши Конституциямиз ва бошқа қонунларда қатъий белгиланган. Эндиги вазифа журналистларни биринчи манбадан зарур ахборот билан узлуксиз, ўз вақтида таъминлашдир. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси хузурида Матбуот маркази ташкил қилинди. Матбуот маркази Симпозиумлар саройида, яъни пойтахтимизнинг марказида, ҳар томонлама қўлай манзилда жойлашган. Бу каби замонавий матбуот марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам очилади.

Расмий манбалар ва ишончли ОАВ орқали хабар эълон қилинмагунга қадар ҳар хил гап-сўзларга ишонманг. Ишончингиз комил бўлсинки, Матбуот маркази ахборот ҳолисигини таъминлаб беради. Биз сайловга оид ҳар бир хабарни тезкор тарзда сизга ҳавола этамиз. Агар ҳақиқатан ҳам фейк хабарлар тарқалиб кетса ёки шунга ўхшаш бирор вазият юзага келса, шу куннинг ўзидаёқ Матбуот марказида матбуот анжумани ташкил этилади ва ижтимоий тармоқларда ҳам бу ҳақда батафсил маълумот берилади.

Мен кўп хорижий саммитлар, нуфузли тадбирларда иштирок этганман, халқаро конференцияларда бўлганман ва хориждаги замонавий матбуот марказлари фаолияти билан танишганман. Шу боис, бемалол айта оламани, бизнинг Матбуот марказимиз ҳам халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу масканда тажрибали журналистлар, хуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ҳамда бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган гуруҳлар фаолият юритади.

Барча жиҳатлар инобатга олинган ҳолда, Матбуот марказида ишловчилар, хусусан, медиа вакиллари учун ҳамма қўлайли яратилган. Марказ компьютер техникаси, юқори тезликдаги WI-FI худуди билан таъминланган.

МСК Матбуот марказининг ташкил этилишидан яна бир асосий мақсад — фейк, яъни ёлгон хабарларнинг олдини олиш. Афсуски, хоҳлаймизми, йўқми, ҳозирги шиддатли ахборот алмашинуви ва

уни биринчи бўлиб етказиш кескин рақобатга айланган муҳитда фейк хабарлар оқимини тўхтатиш мушкул. Муайян кимсалар ғаразли мақсадларда турли миш-мишлар тарқатиш билан овора бўлиб юрган айни дамда Матбуот маркази сайловга оид бирор фейк хабар тарқалмаслиги учун максимал ҳаракат қилади.

Хурматли ватандошлар! Сизларга ҳам кичик бир илтимос билан мурожаат этмоқчиман. Расмий манбалар ва ишончли ОАВ орқали хабар эълон қилинмагунга қадар ҳар хил гап-сўзларга

рот воситаларини аккредитация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари талабларига мувофиқ тарзда тайёрлайди;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни тезкорлик билан ҳолис ёритиши учун аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли маълумот ва ахборот материаллари билан таъминлайди;

Биз анъанавий оммавий ахборот воситалари, яъни матбуот, телевидение ва радио билан фаол ишлабгина қолмай, интернетдаги барча ОАВлар ҳамда ижтимоий тармоқлар билан ҳам тезкор ҳамкорлик қиламиз. Шу ўринда ижтимоий тармоқлардаги алоқа манбаларимиз ҳам таништириб ўтаемиз: телеграмда — <https://t.me/electionsuz>, фейсбукда — <http://fb.com/uzelections>, твиттерда — <http://twitter.com/electionsuz> манзиллари фаолият юритмоқда.

ишонманг. Ишончингиз комил бўлсинки, Матбуот маркази ахборот ҳолисигини таъминлаб беради. Биз сайловга оид ҳар бир хабарни тезкор тарзда сизга ҳавола этамиз. Агар ҳақиқатан ҳам фейк хабарлар тарқалиб кетса ёки шунга ўхшаш бирор вазият юзага келса, шу куннинг ўзидаёқ Матбуот марказида матбуот анжумани ташкил этилади ва ижтимоий тармоқларда ҳам бу ҳақда батафсил маълумот берилади.

Биз анъанавий оммавий ахборот воситалари, яъни матбуот, телевидение ва радио билан фаол ишлабгина қолмай, интернетдаги барча ОАВлар ҳамда ижтимоий тармоқлар билан ҳам тезкор ҳамкорлик қиламиз. Шу ўринда ижтимоий тармоқлардаги алоқа манбаларимиз билан ҳам таништириб ўтаемиз: телеграмда — <https://t.me/electionsuz>, фейсбукда — <http://fb.com/uzelections>, твиттерда — <http://twitter.com/electionsuz> манзиллари фаолият юритмоқда.

Гарчанд Матбуот маркази фаолияти нималардан иборат экани кўпчиликка маълум бўлса-да, унинг асосий вази-

— Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган сайловнинг асосий босқичлари, жумладан, сайлов кампанияси бошлангани, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингани, сайловолди ташвиқот тадбирлари бошлангани, сайлов куни овоз беришининг бориши ҳамда натижаларига бағишланган брифинглар, матбуот анжуманларини тайёрлайди ва ўтказишни ташкил этади;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши ҳақида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборотларни мунтазам равишда ўрганилади, мониторингини юритади, таҳлил қилади ва натижаларини тезкор равишда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиб боради;

— Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтини, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини мунтазам равишда зарур материаллар билан (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларда) таъминлаш мақсадида сайлов кампанияси даврида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида аниқ фактларга асосланган, ҳолис ва тўғри ахборот ва хабарларни сифатли тайёрлаб, ўратилган тартибда жойлаштириш учун Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот хизматига тақдим этади;

— “Сайлов2021” веб-портали ҳамда мессенжерлардаги ботлар ва мобил иловаларнинг талаб даражасида юритилишини таъминлайди;

— Матбуот марказининг худудларда ташкил этилган бўлиналари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга амалий ёрдам кўрсатади;

— сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази орқали кенг жамоатчилик ва сайловчиларга тезкор ҳуқуқий ахборот бериб боради.

Халқимиз ҳам, шубҳасиз, Президент сайлови кампаниясидек муҳим жараёнга бефарқ эмас ва бу одамни қувонтиради. Биз қузатдик, ижтимоий тармоқларда сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган илк дақиқаларданок биргина пост олдига юзга яқин изоҳ қолдирилди ва бу фуқароларимизнинг сайловга бўлган қизиқиши жуда юқорилигидан дарак беради.

Дарвоқе, Халқаро пресс-клуб ҳам сайлов жараёнини ёритишга шай бўлиб турибди. Олдинда бизни кўплаб жонли эфирлар, қизиқарли сўхбатлар, мунозара ва бахслар кутмоқда. Насиб қилса, сайлов оламида бўлаётган ҳар бир жараёни кўрсатамиз, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини оширамиз ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимлари кенгайтишга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Ўз олдига мамлакат тараққиётини янада юқори босқичга кўтаришдек буюк мақсадни қўйган янги Ўзбекистонда жорий йил бўлиб ўтадиган Президент сайловини янгилашган миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро стандартлар, демократик тамойиллар асосида ташкил этишга қизғин тараддуд кўрилмоқда. Бу йилги сайлов жараёни жамиятимиз ҳаётдан кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, очиклик ва ошкоралик, бағрикенглик тамойиллари мустаҳкам ва кенг ўрин олаётган шароитда ўтмоқда.



Баҳодиржон ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси

Сайлов қонунчилигида белгиланган нормаларнинг ўз мuddатида ва самарали ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режаси тасдиқланди. Унда Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар белгиланган.

Шу кунларда сиёсий партияларнинг ўз ваколатли вакиллари таъинланганига оид маълумотлар Марказий сайлов комиссиясига келиб тушмоқда. Зеро, сиёсий партиялар сайловда иштирок этиши учун қонунда белгиланган ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши Сайлов кодексига белгилаб қўйилган. Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссияси яна сиёсий партия ўртасида мулоқотни юритиш ва талаб этилган ҳужжатларни тақдим этишни ташкил равишда тартибга солиш учун ваколатли вакил фаолияти йўлга қўйилади. Ваколатли вакил, аввало, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиянинг манфаатини ифодалайди ва унинг сайлов жараёнидаги иштирокига оид масалаларни ҳал этиб боради.

Сайлов кодексига белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия ваколатли вакили орқали сайловга камид а етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этади:

— Сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза.

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотнома.

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради. Шу билан бирга, тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида беш кунлик мuddат ичида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинган

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ КОДЕКСИНИНГ 34-МОДДАСИГА МУВОФИҚ СИЁСИЙ ПАРТИЯ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСЛАРИДА, ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШДА, ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРИЛГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШДА, САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛ ТАЙИНЛАШГА ҲАҚЛИ.

ган вақтдан бошлаб, беш кун ичида ваколатли вакиллари рўйхатга олади ва белгиланган шаклда мандат беради.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда ваколатли вакиллар мандат бериш рад этилиши мумкин. Жумладан, ваколатли вакилликка номзод 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, сайловга ўн беш кундан кам мuddат қолганда мурожаат этилса, тегишли сайлов округи бўйича сиёсий пар-



тўлдирилганини текширишда иштирок этиш учун сиёсий партия юқори органининг раҳбари сайлов кампанияси бошлангани расман эълон қилинган кундан бошлаб беш кунлик мuddатда ўз ваколатли вакилини таъинлайди ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия томонидан тавсия этилган ваколатли вакилликка номзоднинг тегишли ҳужжатларини кўриб чиқиб, уч кунлик мuddатда уни рўйхатга олади ва белгиланган шаклда мандат беради.

Иккинчи босқич бевосита худудий партия органларидан таъинланадиган ваколатли вакил фаолияти билан боғлиқ. Бундай ваколатли вакил сайлов участкасида иш олиб боради. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиянинг худудий органлари сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиши учун сайлов участкалари тузилган кундан эътиборан ўз ваколатли вакиллари таъинлайди.

Сиёсий партиянинг худудий органининг раҳбари сайловга камидан ўн кун қолганида ариза билан тегишли сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатини (исм-фамилияси, лавозими, яшаш манзили ва телефон рақами кўрсатилган ҳолда) тақдим этади. Ариза Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этилади. Округ сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхати келиб туш-

тиядан номзод рўйхатга олинмаган бўлса, тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса, мандат бериш рад этилиши мумкин.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили сайлов комиссиясининг мажлисларида, сайлов комиссияларида ҳужжатларни, шу жумладан, тўпланган имзо варақаларини топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этишга, участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш, шунингдек, участка сайлов комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, жумладан, сайлов кутиларини муҳрлашга, очишга, овозларни санаб чиқишга аралашши мумкин эмас.

Маъмур институтнинг сайлов кампанияси даврида фаол иш олиб бориши сайловларнинг ошкоралиги, адолатлилиги ва қонунийлигини таъминлашга ҳамда сайлов комиссиялари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ИҚТИСОДИЁТГА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҚУВВАТ БАХШ ЭТИБ...



Бахтиёр ҲОЖИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети кафедраси мудири,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Бошланиши 1-бетда

Бу борадаги салмоқ ва натижалар жадал суръатларда ошиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Аҳоли даромадларида ўсиш, турмуш шароитида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Статистик маълумотлар ҳам 2016-2020 йилларда аҳолининг умумий даромади 2,6 баравардан кўпроққа ортганини кўрсатапти.

Мазкур йўналишда жаҳон майдонида эгаллаб турган ўрнимиз ҳам йил сайин юқорилаб бормоқда. Халқаро рейтинглар ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг 2021 йил 26 майда ўтказилган навбатдаги йиғилишида Глобал инновацион индексда Ўзбекистон 2015 йилдагига нисбатан ўз ўрнини 29 поғона яхшилаб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида 4-ўринни қайд этгани таъкидланди. Муваффақиятларнинг бош омилларидан бири мамлакатимизда юритилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда бу борадаги чора-тадбирларнинг тўғри шакллантирилганидир. Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим ва самарали йўналишларидан бирига айланди.



Монополияни чекинтириб...

Тараққиётнинг янги босқичида мамлакатимизда кичик бизнес фаолияти кўлами тобора кенгайиб бораётганини ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг сони орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич 2017 йилда 12,2 бирликини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 15,6 бирликка етди. Эътиборлиси, кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг энг юқори ўсиши иқтисодиётга пандемиянинг салбий таъсири шароитида рўй берапти.

Кичик бизнесга худди иқтисодиётга янги куч, янги қувват бахш этувчи соҳа сифатида қараб мумкин. Янгидан ташкил этилувчи корхоналар кейинги пайтда вужудга келган талабни, сўнгги технология янгилиги ва ютуқларни муайян даражада ўзида жамлайди ва амалиётга жорий этади. Шунга қўра, корхоналарнинг янгилиши даражаси ўзига хос кўрсаткич ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги ушбу кўрсаткичнинг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг кичик бизнес корхоналаридаги даражаси йирик корхоналарга нисбатан 2016 йилда 6,2 марта, 2020 йилда эса 6,9 марта юқори бўлганини кузатиш мумкин. Яъни айнан кичик бизнес корхоналари иқтисодиётимизни модернизациялашда ўз фаоллигини намоён этмоқда.

Энг муҳими, кичик тадбиркорлик субъектлари қандайдир кўрсатма ёки ундовлар остида эмас, балки иқтисодиётдаги конъюнктура ни ҳисобга олган ҳолда эркин ва мустақил ташкил этилапти. Айнан шу ҳолат иқтисодиёт тармоқларининг умумий кўламига ўзига хос тузатишлар киради. Жумладан, 2017-2020 йиллар давомида янгидан ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг энг катта салмоғи савдо (жами корхоналарнинг 32 фоизи), саноат (21 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (12 фоизи), қурилиш (10 фоизи), хизмат ва овқатланиш (7 фоизи) тармоқларига тўғри келади. Бу эса мамлака-

тимиз етакчи тармоқ ва соҳалари ўртасидаги мақбул нисбатнинг шаклланишига хизмат қилади.

Кичик тадбиркорлик иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш, унинг мослашувчанлигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳамдир. Иқтисодиётда рақобат муҳити — бу турли маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ҳамда истеъмолчилари ўртасида қўлай шароитга эришиш, кўзда тутилаётган фойда ёки иқтисодий нафни максималлаштириш мақсадидаги иқтисодий беллашув (кураш), дейиш мумкин.

Иқтисодиётда монополияларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши — объектив жараён. Уларни бутунлай бартараф этиш имкониятдан ташқари ҳолатдир. Айрим ҳолларда давлатнинг монополияга қарши кураши ҳам дарҳол ўзининг етарли самарасини бермаслиги мумкин. Шу ўринда яна кичик бизнес субъектлари ёрдамга келади. Янгидан-янги кичик ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш бериш орқали бозордаги монополия даражасини пасайтириш мумкин.

Шунингдек, мазкур соҳа истеъмол бозоридаги талаб ва тақлиф мувозанатини тиклаш ҳамда таъминлашда асосий томонлардан биридир. Ҳозир мамлакатимизда бирор маҳсулотнинг, ҳоҳ у озиқ-овқат товарлари бўлсин, ҳоҳ кийим-кечак ёки уй-рўзгор буюмлари, кучли тақчиллигининг вужудга келишидан хавфсизроқ ҳолатлари мавжуд эмас. Чунки ўз фаолият хусусиятига қўра, истеъмолдаги аҳамиятсиз ўзгаришга ҳам ўта сезгирлик билан эътибор қаратувчи кичик тадбиркорлар қисқа муддат ичида бозордаги ҳар қандай тақчилликка ўз муносабатини билдирди. Тақчиллиги ординан нархи кўтарилган маҳсулотни дастлаб бошқа ҳудуд ёки чет мамлакатлардан олиб келиш,

ўрта ёки узоқ муддатли даврда унинг миллий ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш орқали бозордаги талаб ва тақлиф мувозанатини тиклашга ҳаракат қилади.

Кичик бизнеснинг янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишдаги фаоллиги унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги яна бир аҳамиятли жиҳатини намоён этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ва унинг дастлабки палласида иқтисодиётдаги тарихий ўзгаришлар, миллий ишлаб чиқаришнинг ташқи ва ички талабга мос келмаслиги оқибатида муайян даражада ишсизлик вужудга келган эди. Шуниси эътиборлики, мазкур ҳолат иқтисодиётдаги аҳамиятли пасайиш оқибатида келиб чиққан циклик ишсизлик кўринишида намоён бўлса, хозирга келиб унинг асосий қисми мазмунан ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифнинг таркибан номувофиқлигини ифодаловчи таркибий ишсизлик ҳисобланади. Ҳолбуки, мамлакатда иш ўринлари етишмовчилиги тўғрисида сўз борганда тегишли малакадаги ишчилар етмаётган соҳалар ҳам мавжудлиги намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 16 июнь кўни олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида олий маълумот талаб этадиган 40 мингта, саноатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ ҳўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта бўш иш ўрни борлиги, лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмаслиги таъкидланди. Шунга қўра, ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифни ўзаро мувофиқлаштириш, яъни иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик даражасини оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг салоҳиятидан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумотлардан кўринадикки, 2016-2020 йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётдаги жами бандларнинг турдун уч қисмидан кўпрогини қамраб олган бўлиб, бу ҳаттоки жаҳондаги бир қатор ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан ҳам юқори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги иш ўринлари яратиш борасидаги имконият ва салоҳияти учун ҳаракатчанлиги, қўлаб жиҳатидан ихчамлиги ва йўналишни тез ўзгартари олиши кабилар орқали намоён бўлади. Тўғри, мантқан қараганда, йирик корхона кичик корхонага нисбатан бир неча ўнлаб, юзлаб, ҳаттоки, минглаб марта кўпроқ ишчини ёллаш орқали мулқ устунликка эга бўлиши мумкин. Бироқ масаланинг бошқа бир жиҳати мавжудки, йирик корхона ўз ходимлари таркибининг бир марта тўдиргандан сўнг унинг янги иш ўрни яратиш имконияти кескин қисқаради ёки тугайди. Кичик тадбиркорлик субъектлари эса яхлит соҳа сифатида озгина қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлган жойда ўзлуқсиз тарзда ва тезлик билан янгидан-янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилади.

Иқтисодий организмнинг “мушак тўқимаси”

Ақсарият мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулотдаги улуши 60-70 фоизни ташкил этади. Кичик бизнес ривожини иқтисодиётдаги жўшқинлик ва самарали рақобат муҳити учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдирish, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджет тушумлари кенгайтиришга хизмат қилади. Шунга қўра, қўлаб ривожланган давлатлар кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки 25 йилга назар ташласак, юртимизда кичик ва ўрта бизнес қўшни давлатлардагига нисбатан секин ривожлангани, кўрсаткичлар сезилар-сезилмас даражада бўлгани, катта-катта бизнеслар муайян шахслар қўлида бўлиб, аҳолининг асосий қатлами уларнинг қўли остида ишлаганини кўраимиз. Оддий одамлар учун тадбиркорлик худдалаб бўлмас машаққатдек кўринади. Юқори бож тўловлари, ер олиш, корхона очишдаги қатор тўсиқлар, бировнинг чўнтагига пул қистирмасанг, битмайдиган ишлар, бир амаллаб бизнесни йўлга қўйиб олганда ҳам ҳар қуни эшик қоқадиган “солиқчи”ларга дош бериш осон эмасди. Шунинг учунми, одамлар тадбиркорлик қилишдан қўра, “оч қорним, тинч қулгоғим” қабилида иш тутушни афзал билган.

Бугун “Янги Ўзбекистон” иборасини фахр билан айтаётганимиз беҳиз эмас. Бойси, яқин 4-5 йил олдин бошланган улкан ислохотлар одамларнинг ўз имкониятларидан кенг фойдаланиш, исталган соҳада янгиликлар яратишга қўқмай қадам ташлаш, энг муҳими, мустақил тадбиркор сифатида ўзини синаб кўриш имкониятини берапти. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга 2019 йилдаги Мурожаатномасида: “Ҳақиқатан ҳам, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”, дея таъкидлагани халқимизга янада ишонч, куч берди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий — айнан Ўзбекистон иқтисодиёти учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нималарда намоён бўлмоқда?

Энг аввало, иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида кичик тадбиркорлик улушининг ошиши иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.



Тадбиркорлик — бу ташаббус ва фаоллик асосида келгусида юз бериши мумкин бўлган турли хатарларни ҳисобга олиб, масъулият ва жавобгарлик билан амалга оширилувчи иқтисодий фаолиятдир. У эркинлик, ижодкорлик ҳамда рақобат муҳити уйғунлигида жуда катта бунёдкорлик кучини ҳосил қилади. Айниқса, фаолият кўлами жиҳатидан нисбатан ихчам бўлган кичик тадбиркорлик иқтисодиётдаги конъюнктуравий ўзгаришларга тезлик билан мослашиш, истеъмолчининг дид ва қизиқишларини англаш ва эътиборга олиш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобат муҳитини кучайтирган ҳолда иқтисодиётга жўшқинлик бахш этиш каби хусусиятлари билан ажралаб туради.

Юртимизда бу соҳани қўллаб-қувватлаш ва барча зарур шароитларни яратиш бериш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик тадбиркорлик субъектларининг янги ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб борапти. Бу борадаги кўрсаткич 1991 йилда атиги 1,5 фоиз, 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган эди. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига тамал тоши қўйилган 2016 йил нидоёсига келиб мазкур соҳанинг янги ички маҳсулотдаги улуши 64,9 фоизга етди. Бу рақамлар йил сайин орта орта орта, асло пастваётгани йўқ. Хусусан, ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари сони 2016 йилдаги 210,6 мингтадан 2020 йилда 411,2 мингтага етди. Умумий қорхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 2020 йилда 86,5 фоизга қадар ўсди.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг йирик саноат объектларига хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилиши натижасида улардаги ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўса бошлади. Агар йирик қорхона ва бирлашмалар мажозий маънода иқтисодиёт организмнинг суяк (скелет) қисми деб ҳисобланса, у ҳолда кичик бизнес ушбу қисмга қайишқоқлик, мослашувчанлик бахш этувчи, унинг бир маромдаги ҳаракатини таъминловчи мушак тўқимаси ҳисобланади. Бу жараён эса янги қорхоналарнинг ташкил топиши орқали таъминланади. Яъни кичик бизнес қорхоналари иқтисодиётдаги талаб жадаллик билан ўсиб бораётган тармоқ ва соҳаларга жавобан янги ишлаб чиқаришни ташкил этади.

2017-2020 йиллар мўбайнида мамлакатимизда жами 288 мингдан ортқ қорхона ташкил этилди. Шундан 14,8 мингтаси йирик қорхона, 273,2 мингтаси кичик бизнес субъектидир.

Маҳаллаларда ишсизлар бўлмаслиги керак

Мамлакатимизда бу борада, айниқса, маҳалла институти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. 2021 йилнинг бошида Президентимиз томонидан иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилиш борасида “маҳаллабай” тизимни йўлга қўйиш, ҳар бир маҳалладаги ўзига хос “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш, бўш бино ва ер участкаларини аниқлаб, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш, маҳаллалардаги банд бўлмаган аҳолини касб-хўна ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатишни ташкил этиш орқали уларнинг бандлигига қўмаклашиш каби бир қатор вазифалар қўйилди.

Президентимизнинг 2021 йил 28 апрелдаги “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида жорий йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этишнинг йўналиш ва прогност кўрсаткичларига биноан, жами ташкил этиладиган 457 127 та янги иш ўринининг 209 507 таси (деярли 46 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилиши ҳам бу тармоққа қаратилаётган катта эътибор ифодасидир.

Одатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатдаги бандлик даражасини



ошириш орқали аҳоли даромадларининг ўсиши бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларининг хусусий даромадлари ҳамда улар томонидан ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш орқали аҳоли даромадлари бевосита оширилса, мустақил равишда банд бўлишга имкон яратиш ва рағбатлантириш, мол-мулк ҳамда ижтимоий трансфертлардан олинган даромадлар учун манба яратишда иштирок этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига билвосита таъсир этилади.

Юқоридеги сингари таъсир омиллари натижасида мамлакатимизда аҳоли даромад-

лари сезиларли ўсиб бориши кузатилмоқда. Статистик маълумотларга қўра, фуқароларнинг номинал умумий даромадлари 2016 йилдаги 151,7 триллион сўмдан 2020 йилда 401,5 триллион сўмга қадар ошган. Бунинг натижасида аҳоли жон бошига номинал умумий даромадлар тегишли равишда 4,8 миллион сўмдан 11,7 миллион сўмга кўтарилди.

Яна бир маълумот. 2020 йилда аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятларида энг юқори даражани ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида эса йирик саноат қорхоналари ва ташкилотлардаги иш ҳақи кўринишидаги даромадларнинг салмоғи юқори экани қайд этилди.

Умуман олганда, ушбу йўналишнинг юрт тараққиётидаги сезиларли таъсири, бу борада эришилаётган ютуқлар ҳақида қўп ва ҳўп гапириш мумкин. Энг муҳими, бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг зарур йўналиши сифатида эътибор қаратилиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича манзилли ҳамда таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бунга жавобан мазкур соҳа ҳам иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида ўзининг бунёдкорлик ва яратувчанлик, фаоллик ва жўшқинлик бахш этувчи хусусиятларини намоён этиб, Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида хизмат қилапти.

МУЛОҲАЗА

ДИСПЛЕЙ ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР



Отабек БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори

мизга ахборот технологияларига "миниб" кириб келаётган таҳдидлар бор. Афсуски, уларни йўқотиш учун қиладиган ишларимиз анча.

Бу эса, ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида халқимиз бир тану бир жон бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини бирдек ривожлантириш йўлида янада жипслашиб, барча кучу имкониятини миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ўтиш йўлида сарф қилишини талаб этади. Айниқса, бунда ёшларнинг ўрни ва роли беқийс бўлиб, улар шу мақсадга эришишда бошқалардан кўра кўпроқ бурчли эканликларини англаб етмоқлари, ислохотларнинг том маънодаги ташаббусқори ва фаол ижросиси бўлмоқлари керак.

Хўш, ҳақиқатан ҳам шундай бўлмоқдами? Минг афсуски, бу саволга тўлақонли ижобий жавоб бериш қийин. Гуруч курамқис бўлмайди. Орамизда, яъни шу юртининг фарзандиман деган одамлар ичида, юқорида таъкидлаганимиздек, "дўст"ларимизга қўшилиб, ташқаридан туриб тош отиб қочадиган, кимнингдир бошини ёриб, ҳузурланадиган кимсалар борлиги ҳам ҳақиқат.

Улар нима каромат кўрсатяпти? Нимаси билан "дўст"лик қиляпти?

Улар дўстнинг эмас, душман йўлини танламоқдалар. Ёш боланинг ишини тўтмоқдалар. Болаларда бир одат бор: бироз йўл берсангиз, бошингизга чиқшади. Эркаласангиз, суистеъмол қилиб, сизни бошқармоқчи бўлади. Ўзи сизни аямасдан уради, сиз ўзингизни ҳимоя қилиб, қўлини қайтарсангиз, айюҳаннос солади. Ишламайди, бироқ еб-ичиб, яна таомини исроф қилиб, сочиб ташлайди. Танбех берсангиз, додлаб йиғлайди, атрофдагиларни безовта қиладди.

Биз айтаётган "дўст"ларимиз хатти-ҳаракатлари ҳам худди шу ҳолатни эслатиб юбораяпти. Жамият ривожига зигирча ҳиссаси йўқ, миллат, давлатнинг юксалиши йўлида бир чўпни бир жойдан бошқа жойга олиб қўйишга ярамайдилар. Минг ишидан бири тўғри бўлса бордир, бўлмаса у ҳам йўқ. Аммо Ватан равнақи йўлида кучу тун тиним билмай, жон қуйдириб, фидойиларча меҳнат қиляётган давлат хизматчиларининг мингта ишидан биттасида кичик бир камчилик сезиб қолсалар (бу камчиликни ўз қаричлари билан ўлчаб аниқлашадди), қолган тўқсон тўққизта ишини ҳам йўққа чиқариб, устидан маъзава ағдарадилар.

Ўзлари кўрмаган, билмаган, таҳлилага ақллари ноқис бирор воқеани кўпиртириб, атрофдагиларни чалғитишда уларга етадигани йўқ. Бир кишининг ютуғини эмас, хатосини кутиб яшаш уларнинг сеvimли машғулоти.

Улар бутун жамият номидан гапиришни яхши кўрадилар. Ўзларида йўқ нарсани бутун бир халққа йўқ деб, ўзларининг кичик бир муаммосини бутун бир мамлакатнинг муаммоси, деб бақирадилар. Уларнинг кўзига ажаб-товуру линза ўрнатилган ёки ғаройиб кўзойнак тақиб олганлар. Бу линза ва кўзойнак — яхши, ижобий нарсаларни кўрсатмайди. Кичик-кичик муаммо ва камчиликларни катта-катта қилиб кўрсатади.

Бу мослама минг-минглаб қуриляётган уйлари, катта-катта шаҳару шаҳарчалар, қишлоғу маҳаллаларни, заводу фабрикалар, йўллари майдонларни, боғу бўстонлар ва саройу гулистонларни кўрсатмайди. Аммо қайсидир бир чеккада ҳали навбат етмагани учун уй ололмайти турган оилалар ва "берсанг — ёйман, урсанг — ўламан" деб турган боқимандаларни кўради. Бир халта гуруч ичидаги бир курмакни — ор-номусини унутиб, мўмай даромад илн-жидда қўлини харомга ураётган айрим коррупционерлар ва ўзи ишини эплай олмаган баъзи нотагонларни кўша-кўшалаб кўрсатади.

Муаммо нимада? Муаммо шундаки, бундай мосламани тақиб олган кимсаларнинг ҳаракати маълумотни ўзи ва атрофидаги бир-икки кишига етказиш билан тўхтамайди, балки замонавий ахборот технологиялари орқали бутун дунёга ёйиб, уйдирма маълумотлар билан одамларни чалғитади. Нохалис хабарлар билан давлат хизматчиларига, давлат ва жамоат ташкилотларига тўхмат қилишаётганини билишади.

Лекин биз уларнинг ахборот ва сўз эркинлиги баҳонасида гўёки мамлакат тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни санаш ва уларга ечим топишга уриниб, аслида ёшларнинг ўз Ватанига, давлатига салбий муносабатини шакллантиришга интиляётганларини яхши биламиз.

Масалан, сўнги йилларда ижтимоий тармоқларда ўзини сайёсий билимдон кўрсатиб, мамлакатимиздаги ижобий ишларга кўз юмиб, хусусий муаммоларни умумий қилиб кўрсатишга уринаётган "донолар" кўпайиб бораётганини

сиз ҳам сезиб турган бўлсангиз керак.

Азиз ватандош! Огоҳлантириб қўйиш бизнинг бурчимиз: уларнинг мақсади ҳаргиз сизу бизга яхшилик эмас. Аксинча, раҳбарларни ҳақоратлаш, давлат хизматчиларига, сизу бизнинг тинчлигимиз, хотиржамлигимиз посбонларига тўхмат тошларини отиш. Шу орқали сизни, айниқса, гўр ёшларимизни ўз Ватани, 30 ёшга кираётган ўз давлатига қарши гиж-гижлашдан иборат. Уларни ҳаракатга келтираётган нарсани виждон, жонқуярлик эмас, жиғилдон. Бунини унутмайлик.

Бундан уларга қанча моддий, қанча маънавий манфаат борлигини аниқ билмаймиз. Аммо уларнинг ҳомийларига жуда катта фойда бор. Ҳомийларнинг мақсади — фуқаро билан давлат орасига пона қоқиш. Одамларни давлат сиёсий тизимига қарши чиқишга ундаш ва бунда солини ўзидан чиқариш.

Шу мақсадда улар халқнинг тинчлигини бузадилар, ички низоларни бошлаб берадилар. Рангли (қонли) инқилоб остонасига етаклайдилар. Кейин-чи, кейин нима бўлади? Энди бу ёғи алоҳида масала. Тушуиндигиз-а?!

Шундай экан, биз мафқуравий майдонда "Ит хурақ, карвон ўтар" деб, ҳимоя позициясидан чиқиб, ҳужум позициясини эгаллашимиз керак. Акс ҳолда, кеч қолишимиз мумкин. Чунки қаршимизда турган рақибларимиз аллақачон орамиздаги ғоявий заиф инсонларни мажозий маънода асир қилиб олишга ҳам улгурмоқдалар. Ғоявий заиф шахсларда сиёсий билим етарли эмас, ҳаётий тажриба кам. Улар ҳатто қиляётган ишлари нотўғри эканини ҳам англаб етмайдилар, аксинча, тўғри йўлдаман, деб ўйлайдилар. Нима қилмоқ керак?

Биринчидан, фуқаролар, айниқса, ёш авлодга ахборотни қабул қилиш маданиятини ўргатишимиз, уларда мустақил, танқидий фикрлаш кўникмасини қарор топтиришимиз керак. Зеро, ҳар бир шахс ахборотни қабул қилишдан аввал унга нисбатан: **"Бу маълумотни ким тарқатмоқда?", "Нега тарқатмоқда?", "Унга индамай қўйсам ё дўстларимга қўйсам, тарқатувчи қандай наф қўради?", "Унга индамай қўйсам ё дўстларимга қўйсам, ватандошларим қандай наф қўради?"** деган саволлар фильтридан ўтказиб, муносабат билдирилик.

Ҳеч бир маълумот ўз-ўзидан ёзилиб қолмайди. Уни кимдир, бирор мақсад билан тайёрлайди. Шундай экан, кўз олдимизда турган ахборотнинг кимга фойда, кимга зарарлигини аниқлаб олайлик. Агар узатиляётган маълумот давлат ва жамият манфаатларига зид бўлса, у ҳолда уни инкор қилиш ва қабул қилмаслик билан чекланмайлик. Унга қарши ўз муносабатимизни дадил билдиришга киришайлик. Акс ҳолда, лоқайдлик бўлади. Лоқайдлик эса, балоларни болалатади. Тинчимизни ўйлаб, ё эриниб, балоларнинг болалашига ҳисса қўшмайлик.

Иккинчидан, замонавий ахборот технологиялари, интернет ва ижтимоий тармоқлардан ўзимизга фойда олишни ўрганишимиз керак. Масалан, қаерда, қайсидир соҳада янги натижаларга эришилса, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш билан бир вақтда дарров ижтимоий тармоқларда ҳам кенг оммалаштирилишини таъминлашимиз керак. Шу мақсадда ватанпарвар тарғибчилар бўлиб уюштирилган кўрмаслигимиз керак. Нима учун ёш уюшган, ялоғи бир троллар тўдаларини тузади-ю, биз уларга қарши бирлашишдан, уларнинг танқиддан чўчишимиз керак?! Тушунарсиз ҳолат эмасми бу?!

Учинчидан, фуқароларни ўз давлатига қарши қайрайдиган ғояларни тўхтайтилик. Ислохотларга тўхмат қиляётган ҳар қандай канал, гуруҳ, бот ва бошқаларни таққиллаш фурсати етмадимми? Билиб-билмай уларнинг тегиримонига сув қуяётган шахсларга оммавий изза, интизоми чора қўриш амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Бугун профилактика, терапияни қўлламасак, эртага хирургия орқали ҳал қилишимизга тўғри келиши мумкин. Кичик бир ўсимта томир ёйиб, газак олиб, бедаво дардга айлиниб кетиши мумкин.

Мазкур масалада барчани дахлдорликка чорлаган ҳолда, сўзимизни Президентимизнинг қалам аҳлига қарата айтган қуйидаги фикрлари билан якунлайимиз: **"Бугун авлодлар, ижодий мактаблар, анъаналар, тушунча ва тасаввурлар янгиламоқда. Интернет замини ўз талаб ва қоидаларини илгартирмоқда. Ана шундай мураккаб ўтиш даврида миллий журналистикамиз илгари қузатилмаган турли синов ва қийинчиликларга дуч келаётганини эътироф этиш ва уларни биргаликда бартараф қилиш ҳақида ўйлашимиз лозим"**.

2021 ЙИЛ — ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙИЛИ

ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТГА ҚўЙИЛГАН ТАМАЛ ТОШИДИР



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тўдан ислох қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили", деб эълон қилинди. Қабул қилинган Давлат дастури асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Концепцияда ҳал этишга қаратилган асосий вазифалар қаторидан жисмонан соғлом, маънан баркамол йигит-қизларни



тарбиялаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни мамлакатда амалга ошириляётган демократик, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотларга фаол жалб этиш масалалари ўрин олган.

Бу йўналишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Сенат ҳузуринда Ёшлар парламенти ташкил этилди. Ёшлар парламенти консультатив орган ҳисобланиб, мамлакатимиздаги қонун чиқарувчи ва ижро органлари кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қиладди. Ёшлар парламентининг мақсади йигит-қизларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, уларни давлат ва жамият ишларига фаол жалб этиш, қонунчилик жараёнидан тўлиқ хабардор қилиб бориш, аниқ лойиҳалар асосидаги фаолиятга йўналтириш ҳамда электрон парламентни шакллантиришда ёшларнинг инновацион ғояларини рўёбга чиқаришдан иборат.

Хозирда, Ёшлар парламенти аъзолари асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий Кенгашларнинг ёш депутатлари орасидан шакллантирилган. Бу тажриба уларга ўз худудидаги муаммоларни қонун чиқарувчи олий вакиллик органи — Сенат миёнберига олиб чиқиш имконини бермоқда. Ёшлар парламентида қонунчилик, илм-фан, маданият ва туризм, спорт, экология, компьютер технологиялари, инновацион ғоялар, стартаплар, агрокластер, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш ҳамда гендер тенглик масалалари комиссиялари фаолият олиб бормоқда. Унинг аъзолари қонун лойиҳаларни муҳокамаларида иштирок этапти, турли йўналишларда конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, ҳудудлардаги ёшлар билан учрашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил қилмоқда. Ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатилган бўйича иш олиб борапти. Шунингдек, Сенатнинг ялли ҳамда қўмиталар мажлисларида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида қатнашиб,

қонунларни дастлабки тарзда қўриб чиқиш жараёнидаги муҳокамада ҳамда парламент сўровлари учун таҳлилий маълумотлар тайёрлашда доимий қатнашиб келмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар ва прокуратура органлари вакиллари билан ҳамкорликда воёга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда ҳам жонбозлик кўрсатяпти. Ёшларимиз томонидан воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик омиллари ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, кўзи ожиз болаларнинг Болалар мусика ва санъат мактабларида давлат бюджети ҳисобидан бепул таълим олишини ташкил қилиш юзасидан берилган тақлиф асосида ҳукумат қарори қабул қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчиси учун давлат бюджетидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, мазкур вазифанинг ҳудудларда бажарилишини ҳам Ёшлар парламенти ўз назоратига олган.

Маълумки, бугунги кунда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда уларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиб, зарур уруғ, техника билан таъминланяпти. Мана шу жараёнлар адолатли ва шаффоф ташкил этилишида Ёшлар парламенти аъзолари маҳаллий Кенгаш депутати сифатида ҳам бевосита фаол қатнашиб келмоқда.

Шунингдек, юртимизда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси йўлга қўйилиб, 2021-2022 йилларда 300 мингдан ортиқ ёшларни компьютер дастурлаш асосларига бепул ўқитиш белгиланган. Мазкур муҳим жараён ҳам Ёшлар парламенти-нинг доимий аъзоларида. Ёш парламентарийлар тақлифи билан банд бўлмаган ёшлар ва масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилган хизмат килувчи "Ёшлар муурожаати" электрон платформаси яратилгани айна муддао бўлди.

Давлатимиз раҳбари шу йил Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Биз бу ғоят муҳим йўналишдаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, Парламентларнинг иттифоқ кўмағида "Биз Парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!", деган эзгу ташаббусни амалга оширамиз. Ушбу тизим асосида сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентиимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз", дея таъкидлади. Бу ташаббус барча ёшларимизни ниҳоятда тўлқинлантирди.

Айтиш керакки, сўнги йилларда навқирон авлодни жамиятимиздаги ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида амалга ошириляётган изчил сиёсат самарасида дунё парламентаризмида ёшлар 2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоизга етди. Бу натижа халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шу билан бирга, парламентда ёшлар сонини янада ошириш учун бу жараёнга тайёргарлик ишларини ҳозирдан оқиб бошлаш лозим. Жамиятда ёшларнинг фаолигини ошириш учун, аввало, уларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ўрганиб, уларга самарали ечим топиш талаб этилади. Бу вазифани амалга оширишда ёш депутатларнинг ўрни катта.

Бундан ташқари, ёшларни, айниқса, Ёшлар парламенти аъзоларини БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини ўзида ифода этган миллий мақсадларни рўёбга чиқаришга фаол жалб этиш лозим. Ёшларга билдириладиган бундай катта ишонч ва берилган имконият инсониятнинг тинч ва фаровон келажагига мустаҳкам қағолат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ва аппарати маъноси Бош вазир ўринбосари Умурақов Сардор Уктамовичга отаси

Умурақов Уктамов Пардаевичнинг
вафот этганлиги муносабати билан қуқур таъзия изхор этади.

ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

НАСРДАГИ ШОИР

ёхуд руҳияти манзиллари



Умарали НОРМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти, аниқроғи, насли ривожига Ўткир Хошимовнинг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум шароитида у ўзининг ҳақ сўзи билан эл орасида эътибор қозонди. Ёзувчи ўз асарларида ҳамisha ҳақ гапни айтишга интилди. Эҳтимол, унинг ҳикоя, пьеса, романларида юзаки ўринлар бордир, аммо адиб ҳеч қачон ёлгон гап айтмаган, мустабид мафкура, сиёсат нуқсонига уйнаб виждонини сотмаган, мурасасозлик йўлига қирмаган. У ўткирчи майларга берилмай, сўз санъатининг азалий муаммоси — шахс жумбоғи, ижтимоий адолат туйғуси ифодаси билан қизиқди.

Адабиёт дунёсида “насрдаги тарона”, “насрдаги шоир” атамалари бор. XX аср янги ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий ҳақи равишда прозанинг шоири, деб ном олган эди. 60-йиллар замонавий адабиётида Ўткир Хошимовни ҳам насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги кўшиқ, тарона деб аташ мумкин. Илк қиссаси “Чўл ҳавоси”дан тортиб “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобига қадар — барча асарларига хос муштарак жиҳат шуки, улар бетақдор, беназир сирли мусиқий оҳанг билан йўғрилган. Муаллиф кўлидаги қалам гўёки ёзмайди, балки қалами учидан сўзлар мусиқа сингари қўйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шеърдек, дostonдек ўқилади, улар яқка созда чалинган дилрабо куйдек янграйди, романлари кўп овозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадиалари, публицистик мақолаларида ҳам инсон кўнгил хазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жилolari муҳассам.



Оддий маиший кечинмалардан тортиб улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабохатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам адибни нафосат туйғуси асло тарк этмайди, гоёт тигиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нурли бир куй акс-садо

бериб туради. Ўткир Ҳошимов насрини китобхонга манзур қилган жозоба сирларидан бири шунда.

Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкент вилояти Зангиота тумани Думбиробод мавзесида туғилди. Унинг бобокалонлари зиёли, ўз даврининг машҳур кишилари бўлган.

Ўткирнинг меҳнат фаолияти жуда эрта бошланди. Билимга чанқоқ бўлажак ёзувчи ўрта мактабни медал билан битирган, олий ўқув юрти талабаси бўлиши кўнгилга тугиб қўйган бўлса ҳам оилага моддий ёрдам бериш мақсадида ишлашга мажбур бўлди. Аввал “Темир-йўлчи” газетасида хат ташувчи, сўнг таржимон, “Қизил Ўзбекистон”да мусахҳиқ ёрдамчиси, “Тошкент оқшоми”да адабий ходим бўлиб ишлади. Айна пайтда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетида аввал сиртки, сўнг кундузги бўлимда таҳсил олди. 1966-1982-йилларда “Тошкент оқшоми”да бўлим мудири, 1982-1985-йилларда Фафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, 1985-1995-йиллари “Шарқ юлдузи”нинг бош муҳаррири, 1995-2005 йиллари эса Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси бўлиб ишлади.

Ўткир Ҳошимов 1991 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони, уша йили “Хурмат белгиси” ордени, 1996 йили “Меҳнат шухрати” ордени, 2001 йили “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Ўткир Ҳошимов ижодини публицистикдан бошлади, 1962 йили “Пулт чапандоз” номли очерклар тўплами босилиб чиқди. У бадий ижодга жуда эрта майл билдирган, 5-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ шеърлар, ҳикоялар машқ қила бошлаган бўлса-да, “Тўрт мактуб” номли илк ҳикояси 1963 йили матбуотда босилиб чиқди. Шу ҳикоя асосида “Чўл ҳавоси” қиссаси ёзилди. “Шарқ юлдузи”да чоп этилган бу қисса ҳақида ёш муаллиф Абдулла Қаҳҳордан мактуб олди. “Ўткир! “Чўл ҳавоси”ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади, қисса жуда соф, самими, илиқ, табиий, роҳат билан ўқилади”, дейилади ўша мактубда. Бундай илиқ сўзлар ёш ёзувчида далда берди. Сўнг у бирин-кетин “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсавереди” қиссаларини яратди. Хусусан, “Баҳор қайтмайди”, “Қалбинга қулоқ сол” қиссалари адабий танқидчиликда қизғин баҳс-мунозара уйғотди. Бу асарлари учун у 1976 йили ёшлар мукофотиغا сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов қиссалари 60-70-йиллар миллий адабиётимиздаги илгор тамойиллар билан уйғунлиги, ўткир маънавий-ахлоқий муаммолар дадил уртага қўйилгани, энг муҳими, тасвирдаги самимият, ички жозибаси билан ажралиб туради.

Ўткир Ҳошимов ижодга қадам қўйган йилларга келиб мустабид тузум даври дағдағаю зугумлари бироз юмшанган, қисқа муддатга бўлса-да, “илиқлик” шабадаси эса бошлаган, эркин фикрларга қисман йўл берилган эди. Бироқ расмий доираларда, “мўътабар” минбарларда, илм-фан, радио, телевидение, матбуотда бор ҳақиқатни айтиш имконияти ҳамон чекланганди. Бундай пайтда жамиятнинг виждони, меҳнаткаш халқнинг овози бўлиш вазифаси адабиёт, сўз усталарининг зиммасига тушди. А.Қаҳҳор, О.Ёқубов, П.Қодиров, улар изидан борган Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев чиндан ҳам ҳақиқат, адолат жарчиси, халқ дилининг таржимони сифатида майдонга чиқдилар. Улар яратган энг сара асарлар ижтимоий тафаккур соҳалари — тарих, фалсафа,

социология, сиёсат, адабиётшунослик ва публицистика бажариши лозим бўлган талай вазифаларни ҳам адо этди. Шу тариқа адабиётда “гап айтиш”, “масала кўтариш” тамойили кучайди, “проблематик шеър, дoston”, “проблематик драма, ҳикоя, қисса, роман” турлари пайдо бўлди. Айна пайтда дидли, куюнчак китобхон асардан, албатта, “муҳим гап” кутадиган бўлиб қолди, танқидчиликда асарларни уларда кўтарилган долзарб муаммоларга қараб баҳолаш муайян удум тусини олди.

Ўткир Ҳошимов худди шу йўлдан бориб қатор публицистик ҳикоя, қиссалар яратди. Унинг “Тераклар яроқ ёзди”, “Деҳқоннинг бир кўни”, “Нур борки, соя бор”, “Квазарлар” каби роман, қисса, ҳикоялари асарлардан “гап кутадиган” китобхонларни гоёт ҳаяжонга солди. Мактаб болаларининг умри пахтазорда ўтаётгани, дори сепилган гўза баргидек эрта хазон бўлаётгани, янги тушган келинчакнинг ҳаётидаги энг ширин дақиқалари эрксиз оғир меҳнат гирдобига кечаётганини, қишлоқдаги, касалхонадаги, савдо соҳасидаги, олий ўқув юрларидаги, тахририятлардаги адолатсизлик, ҳуқуқбузарлик ва қинғирликлар — Ўткир Ҳошимов асарларида ҳаяжон, изтироб билан қаламга олинган бу хил ҳаётий муаммолар талқини ўқувчиларнинг ўшандай ижтимоий иллатларга нисбатан фикрини шакллантиришда, қаҳрини кўзгатишда муҳим аҳамият касб этди.


Айтиш керакики, Ўткир Ҳошимовнинг проблематик роман, қисса ва ҳикояларида сўз санъатининг азалий бош муаммоси — инсон тақдир ва қалбининг бадий таҳлили мавжуд. Муаллиф долзарб ижтимоий муаммолар талқини билан ёндош ҳолда кўп ўринларда персонаж руҳиятидаги гоёт нафис жараёнларни моҳирона ифода этади. Ўткир ижоддаги илк қадамларидаёқ инсон маънавияти, руҳияти, қалб ҳақиқати тадқиқотчиси сифатида кўринган эди. “Чўл ҳавоси”, “Муҳаббат”, “Одамлар нима деркин”, “Шамол эсавереди” номли ҳикоя ва қис-



салари шундан далолат беради. Кейинчалик у долзарб ижтимоий муаммолар талқинига кўпроқ мойиллик билдириб, юқорида тилга олинган “проблематик” асарларни яратган кезларида ҳам инсон образи, инсон маънавияти, руҳияти таҳлилини асло эътибордан четда қолдирган эмас. Бу жиҳатдан “Қалбинга қулоқ сол”, айниқса, “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” қиссаларини эслаш кифоя.

Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инкирози, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у олижаноб, маънавий баркамол шахслар қалби, табиат тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади.

Ёзувчи ижодига хос лирик тарона унинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида



энг бандан пардаларда жаранглади. Бу асар она ҳақидаги, она қалбининг чексиз саховати ҳақидаги ўзига хос қиссадир.

“Дунёнинг ишлари” бошдан-оёқ ниҳоятда эркин, ажиб бир миллий буюқлар билан жилланган. Айна пайтда асар теран бир умуминсоний, байналмилал туйғулар билан йўғрилган. Қиссада бундай мулоҳазалар бор:

“Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам ўз севгилсига айтган дил розини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган кўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган оқилона фикрни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Бироқ дунёнинг бу чеккасида туриб она айтган аллага дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол ором олади”.

Ўткир Ҳошимов бадий адабиётга журналистика чорраҳалари орқали кириб келди. Унинг 1977 йили ёзилган илк романи — “Нур борки, соя бор...” журналистик фаолиятининг, тажрибаларининг ўзига хос яқуни, бадий сарҳисобидир. Роман марказий қаҳрамони Шерзод муаллифга тендош, айна ўзи каби ёзувчи-журналистдир. Шерзод титмосида ёзувчи китобхонни айна ўзи ҳаётда дуч келган муаммолар гирдобига олиб қиради.


80-йилларга келиб Ўткир Ҳошимов ижодига миллий адабиётимиз истиқбол учун муҳим аҳамиятга молик янги тамойиллар рўй берди. Ёзувчи, бир томондан, радио ва телевидение орқали жиддий чиқишлар қилди, у телевидениеда олиб борган “Баҳс” кўрсатуви бутун республикани “оёққа турғизди”. Шунингдек, матбуотда бирин-кетин ўткир публицистик мақолалар эълон қилди. Хусусан, “Қалбинг оппоқ дафтарини”, “Авлодларга нима деймиз”, “Давлат сирини”, “Мантқиқ қани деймиз”, “Давлат сирини”, “Мантқиқ қани деймиз” каби мақолаларнинг ҳар бири уларда ўртага ташланган маънавий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг кўлами, салмоғи, таъсир кучи жиҳатидан етук бадий асарларга тенг деб баҳоланди.

Айна пайтда адиб яратган энг яхши асарлар аввалгиларидан фарқли ўлароқ, ошқора публицистик талқиндан холи. Бу даврга келиб ёзувчи ижодига публицистик фаолият билан соф бадийят орасида муайян ажралиш рўй берди. Муаллифни энди кундалик долзарб масалалар эмас, кўпроқ азалий-боқий маънавий муаммолар, инсон тақдирини, инсон қалбининг жумбоқлари кўпроқ қизиқтиради. Бу жиҳат “Икки эшик ораси” романида, айниқса, яққол кўзга ташланди.

“Икки эшик ораси” — йирик ижтимоий, маънавий-ахлоқий роман. Асар воқеаларининг бир учи 30-йиллар бошларига, қишлоқдаги қолхозлаштириш даври воқеаларига бориб туташса, иккинчи учи 70-йилларнинг охирига келиб



тақалади. Шундай бўлса-да, романнинг марказида фашизмга қарши уруш даври, уруш йилларидаги ўзбек қишлоғи ҳаёти, уруш ва инсон, урушини кишилар тақдирига кўрсатган чуқур таъсири, улар қисматида, зурриётида, дилида қолдирган жароҳатлари муаммоси туради. Ёзувчи Иккинчи жаҳон уруши кишиларимиз учун зўр синов бўлгани, бу синов пайтида ўзбек кишисига хос бўлган ноёб фазилатлар фақуллодда бир куч билан юзага чиққани, кишиларимиздаги оташин ватанпарварлик, чексиз мурувват, садоқат туйғуларини илҳом ва эҳтирос билан қаламга олади. Қаҳрамонлар



қисмати воситасида ёзувчи яшашнинг маъносини, инсоннинг инсонлик шаъни, бурчи, масъулияти, эътиқоди масалаларини кўтаради, китобхонни улар ҳақида ўйлашга, баҳсга чорлайди. Қандай яшаш ва яшамаслик керак, деган савол асарнинг етакчи фалсафаси даражасига кўтарилади.

“Икки эшик ораси” романи 1986 йили Ҳамза номидagi давлат мукофоти билан тақдирланди. Бадий асар қиммати, даражаси биринчи галда унда ҳаёт ва шахсининг янги-янгидан концепцияси ҳамда бадий талқини, ифодасига қараб белгиланади. Шу юксак умумбашарий адабий мезонлар асосида ёндашиладиган бўлса, Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романи 90-йиллар ўзбек адабиётида жиддий воқеа, муҳим янгиликдир.

Бир қарашда роман янги ўзбек адабиётида муайян аънамага айланиб қолган мавзу-муаммолар — мустабид тузум танқиди, афғон уруши, “ўзбеклар иши” қурбонлари ҳақида баҳс юритади. Бу мавзу-муаммолар ҳақида кўп ёзилди, Ўткир Ҳошимов “Тушда кечган умрлар” романи орқали бу хусусдаги ўзининг бетақдор, салмоқдор, янги сўзини айтди, айтганда ҳам ўқувчини ларзага солади.

“Тушда кечган умрлар” романидаги талай персонажлар, хусусан, бош қаҳрамон — Рустам ва Комиссар образи ёзувчининг замонавий адабиётдаги бадий кашфиёти бўлди.

Рустам — фожиавий шахс. Катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, она юртининг етук бир фарзанди, содиқ фуқаро бўлиши, эл-юрт учун кўп ишлар қилиши, севгилсиз вақтга эришиб бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган бу навқирон ўғлон умри ўн гулдан бир гули ҳам очилмай туриб хазонга айланади. Унинг ҳаётини мустабид тузум, тоталитар сиёсат юргизганлар, афғон урушини бошлаганлар, “ўзбеклар иши”, “пахта иши” можаросини ўйлаб топган ғаламислар барбод этади. Рустам ҳалокати мана шу муҳим сиёсатга зўр бир айбонмо каби янграйди.

Латиф лирика билан серзавқ ҳаётбахш юмор, халқона ҳазил-мутойиба ораси бир қадам. Янги ўзбек адабиётида латиф лирикага мойил бўлиб, носир борки, деярли барчаси юмористик асарлар бағридан ҳам ҳазил-мутойибалар, ҳажвий-юмористик лавҳалар муносиб ўрин олган. Қодирий, Чўлпон, Саид Аҳмад насрий асарларидаги, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларида сержилло қулги уларга ажиб фазл бахш этган. Ииллар ўтган сари Ўткир Ҳошимовда ҳам юморга, ҳазил-мутойибага мойиллик кучайиб борди. Унинг қаламкаш дўстлари, устозлари ҳақидаги беғубор, қувноқ табассум билан йўғрилган “Шумликлар” туркуми, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”нинг талай саҳифалари, “Тўйлар муборак” комедияси, “Икки қарра икки — беш” қиссаси, унлаб юмористик ҳикоялари адибнинг ҳажвий иқтидоридан далолат берди.

Ўткир Ҳошимов драматургия соҳасида ҳам сермахсул ижод қилган. “Инсон садоқати”, “Қатагон” драмалари инсон қалбини изтироблари ифодаси, эҳтиросларга бойлиги жиҳатидан адибнинг энг яхши қисса ва романлариға оҳангдошидир. 90-йиллар тоталитар режим зўравонлиқлари, қатагон қурбонлари ҳақида кўп ёзилди. Шунингдек, бундай зўравонликлар олдиди бўлган элнинг, кишан киймаган мардона шахслар образи ҳам озми-кўпми яратилди. Афсус, улар орасида эсда қоладиган, адабиётда воқеа бўлган, бадий кашфиёт дейишга лойиқлари оз. “Қатагон” айна шу мардондор руҳи билан эътиборни тортади. Асар премьераси мухожамаси пайтида: “Қатагон” ҳар бир ўзбек кишиси, албатта, томоша қилиши лозим бўлган спектакль; ўзбеклар нуқул жафокаш, тобе, муте халқ эмас, улар орасида ҳақсизлик, зўравонликка қарши турган Жумановдек мардона сиймолар ҳам бор бўлган!” деган мулоҳазалар айтилинса эди.

Диққат билан разм солинса, Ўткир Ҳошимовнинг ижодий фаолияти давомида яратган ҳар бир жиддий асари — “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Қатагон” — булар XX аср миллат маънавияти, руҳиятининг муайян манзиллари каби таассурот қолдиради. Миллат маънавияти манзилларини забт этиш эса, ижодий жасоратдир.